



АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТАҲЛИЛИ

и.ф.н., доц. **Тожибоева Шахноза**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0000-0001-5199-9086
shahnoza_tojiboyeva@mail.ru

Аннотация. Мақолада акциядорлик компанияларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида айланма маблағлардан самарали фойдаланиш таҳлили масалалари ёритилган. Бу борада халқаро амалиёт асосида ўз айланма маблағлари ва ишчи капитали билан таъминланиш ҳолати баҳолаган. Шунингдек, компания айланма маблағларни айланиш коэффициентлари ва пул маблағларини айланиш циклининг ҳисоб-китоби келтирилган. Тадқиқотлар натижасида айланма маблағларидан самарали фойдаланиш таҳлили асосида компания иқтисодий салоҳиятини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар берилган. Мақолада муаммонинг амалий жиҳатлари ўрганилган бўлиб, бу эса компанияларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида айланма маблағлар таҳлилинини ўтказишда турли соҳаларда ишлайдиган мутахассислар учун долзарблигини оширади.

Калит сўзлар: молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботлар, иқтисодий салоҳият, айланма маблағлар, ўз айланма маблағлари, соф айланма активлар, айланма маблағларни айланиш коэффициенти, айланма маблағларни айланиш кунни, пул маблағлари цикли, иқтисодий самарадорлик, молиявий барқарорлик.

АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОБОРОТНЫХ СРЕДСТВ В АКЦИОНЕРНЫХ КОМПАНИЯХ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

к.э.н., доц. **Тожибоева Шахноза**
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы анализа эффективного использования оборотного капитала в акционерных компаниях на основе международных стандартов финансовой отчетности. В этой связи, на основе международной практики, была проведена оценка состояния обеспечения собственных оборотных средств и рабочего капитала компании. Также представлены расчеты коэффициентов оборачиваемости оборотных средств и цикла денежных средств компании. По результатам исследования даны практические рекомендации по повышению экономического потенциала компании и обеспечению ее финансовой устойчивости на основе анализа эффективного использования оборотных средств.

В статье рассматриваются практические аспекты проблемы, что повышает актуальность анализа оборотных средств в компаниях на основе международных стандартов финансовой отчетности для специалистов, работающих в различных областях.

Ключевые слова: международные стандарты финансовой отчетности, финансовая отчетность, экономический потенциал, оборотные средства, собственные оборотные средства, чистые оборотные активы, коэффициент оборачиваемости оборотных средств, оборотный день оборотных средств, цикл денежных средств, экономическая эффективность, финансовая устойчивость.

ANALYSIS OF THE EFFECTIVE USE OF WORKING CAPITAL IN JOINT-STOCK COMPANIES BASED ON INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS

PhD, assoc. prof. **Tojiboeva Shakhnoza**
Tashkent State University of Economics

Abstract. This article examines the analysis of the effective use of working capital in joint-stock companies based on international financial reporting standards. In this regard, based on international practice, an assessment of the company's working capital and equity was conducted. Calculations of the company's working capital turnover ratios and cash cycle are also presented. Based on the research results, practical recommendations are provided for increasing the company's economic potential and ensuring its financial stability through an analysis of the effective use of working capital. The article examines the practical aspects of this problem, increasing the relevance of working capital analysis in companies based on international financial reporting standards for professionals working in various fields.

Keywords: international financial reporting standards, economic potential, financial statements, working capital, own working capital, net current assets, working capital turnover ratio, working capital turnover day, cash cycle, economic efficiency, financial stability.

Кириш.

Мамлакатимизда иқтисодий ривожлантириш шароитида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Хўжалик субъектлари молиявий барқарорлигини оширишда уларни айланма маблағларини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Корхона айланма маблағлари баланс актив қисмида акс эттирилиб, уларнинг мол-мулки таркибини ўрганиш соф маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият меъёрини ўлчашга ёрдам беради. Айланма маблағлар энг муҳим моддий асос бўлиб, корхона операция фаолияти бевосита уларга боғлиқдир. Чунки корхона фаолиятини амалга оширишда хом ашё ва материаллар, пул маблағлари ва бошқа айланма маблағларни шакллантиригандан сўнггина иш бошлайдилар. Корхоналарни айланма маблағлар билан ўз вақтида ҳамда бир маромда таъминланиши, улардан самарали фойдаланишини таҳлил қилиш натижасида иқтисодий самарадорлигини ошириш, молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон бўлади. Таҳлил натижаларидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш ва уларни ишлаб чиқариш айланмасига жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилади. Турли мулкдаги корхоналарнинг фаолиятлари айланма маблағларга бевосита боғлиқдир. Ушбу маблағлар улар ташкил қилинганидан эътиборан фойдаланилади ва кўпайтириб борилади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда молиявий ҳисобот ва аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларини жорий этиш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида таҳлил ўтказиш мақсадида меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди,

амалий тадбирлар амалга оширилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Президенти, 2025; Ўзбекистон Республикаси Президенти, 2020; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, 2018; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, 2020). Бу эса, ўз навбатида акциядорлик компаниялари инвестицион жозибadorлигини ошириш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида айланма маблағларни айланиш кўрсаткичлари таҳлилини ўтказишни долзарблигини белгилаб беради. Зеро, корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни олдиндан тахминлаш, уларни истиқболли ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш бўйича самарали бошқарув қарорларни қабул қилиш, иқтисодий ва молиявий салоҳиятини ошириш халқаро амалий тажрибалар асосида таҳлилни ташкил этишни талаб қилади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, айланма маблағлар таҳлилининг назарий муаммолари масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони унинг амалий жиҳатдан турли соҳаларга мос келиши ҳисобланади. Бу эса, илмий мақола мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Адабиётлар шарҳи.

Хўжалик субъектларида айланма маблағлардан самарали фойдаланиш таҳлилини такомиллаштириш масалалари республикамиз, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва хорижий иқтисодчи олимларининг илмий ишларида кенг кўламда ўрганиб чиқилган. Мазкур тадқиқотларда айланма маблағлар таҳлилининг умумметодологик асосларига таянган ҳолда айрим муаммолар, ташкилий жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Мазкур мавзу бўйича “Вестник академии знаний” журналида Васильева ва Морозлар (2021) томонидан чоп қилинган “Ўз айланма маблағлари корхона активларини шакллантириш манбаи” номли илмий мақолада ўз айланма маблағларига таъриф берилган, амалий маълумотлар асосида уларни таҳлил қилиш усуллари ва модели кўриб чиқилган. Шу билан бирга корхона айланма маблағлари таркибида ўзига тегишли айланма маблағларнинг улушини аниқловчи коэффицентлар, соф айланма капитални аниқлаш ва ҳисоблаш усуллари берилган. Ўз айланма маблағлари рентабеллигини баҳолашда етти факторли моделни қўллаш асосида омилли таҳлил қилинган, амалий тавсиялар берилган.

Иқтисодчи олимлар Бусуёк ва Новрузовалар (2022) томонидан “Айланма активларни шакллантириш манбалари. Айланма капитални бошқариш сиёсатининг принциплари ва асосий турлари” номли мақолада корхоналарда айланма маблағларни самарали бошқариш сиёсатини йўлга қўйиш, корхоналарни зарур айланма маблағлар билан таъминлаш, ресурслар ҳажмини таркибий оптималлаштириш, шунингдек айланма маблағларни аниқлашда иқтисодиётни бошқаришнинг асосий вазифалари кўрсатиб берилган. Чекланган айланма маблағлар ва уларни самарасиз бошқариш кўпинча фирмаларга бўлган ишончга таъсир қилувчи салбий оқибатларга, масалан айланманинг секинлашиши, ликвидлик, тўлов қобилияти ва фойданинг пасайишига олиб келиши амалий маълумотлар асосида ёритилган.

В.В.Ткаченко ва В.П.Пирязовалар (2020) томонидан чоп қилинган мақолада иқтисодий хатарларга дучор бўлган корхоналарни бошқаришнинг услубий жиҳатлари ва амалий тамойиллари ҳамда молиявий салоҳият даражасини баҳолаш изчиллиги ишлаб чиқилган. Иқтисодий хатарларни ўрганишга услубий ёндашув таклиф этилган, манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда айланма маблағлар таҳлилида стратегик бошқарувни ташкилий таъминоти ишлаб чиқилган ва тўлдирилган.

Иқтисодчи олимлар А.Киричок ва В.Познаковскийлар (2017) томонидан чоп қилинган “Замонавий иқтисодиёт шароитида автомобиль тармоғи корхоналарида

айланма капитал таҳлили” номли мақолада автомобиль транспортининг айланма маблағларини таҳлилий ўрганиш масалалари кўриб чиқилган. Автотранспорт корхонасининг айланма маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг тузилмасини оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда ҳам корхона айланма маблағларидан самарали фойдаланиш таҳлили бўйича иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган (Kirichok and Poznakhovskiy, 2017; Tojiboeva, 2025). Мазкур мавзу бўйича Ш.Тожибоева томонидан чоп қилинган илмий мақолада ҳам хўжалик субъектларининг молиявий ҳолатини баҳолашда бухгалтерия баланси бўйича айланма маблағлар тузилмаси аниқланган, ўзгаришлар ўрганилган, маблағлар қанчалик тўғри жойлаштирилганлиги ҳамда корхона молиявий аҳволига дастлабки баҳо берилган. Таҳлил натижалари асосида корхонада айланма маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар берилган (Tojiboeva, 2025).

Тадқиқот методологияси.

Илмий мақолада анализ, синтез, гуруҳлаш, таққослаш ва коэффициент усуллари қўлланилган. Хусусан, анализ ва синтез усуллари айланма маблағлар таркибини таҳлил қилишда, таҳлил натижаларини умумлаштиришда қўлланилади. Таққослаш усулидан эса корхона айланма маблағлари самарадорлигини баҳолаш учун қўлланиладиган ҳар бир кўрсаткич, ҳар бир рақам, назорат ва прогноз худди шундай кўрсаткич билан солиштиришда фойдаланилган. Айланма маблағлар таркибини гуруҳлаш асосида уларнинг хусусиятлари, асосий жиҳатларини эътиборга олинган ҳолда таҳлил қилиш жараёни сифатини ошишига имкон беради. Коэффициентлар усули асосида эса айланма маблағлар таркибига таъсир қилувчи омилларнинг бир-бирига нисбати даражасини баҳолаш имкони бўлади.

Илмий мақолада корреляция усулидан ҳам фойдаланилган бўлиб, маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ва айланма маблағлар ўртача йиллик қиймати ўртасидаги функционал боғлиқлик ҳисоб-китоби асосида корреляция коэффициенти аниқланган. Омилли таҳлил усули айланма маблағлар самарадорлиги таҳлилида қўлланиладиган асосий усул ҳисобланиб, самарадорлик кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир қилувчи ҳар бир омилларни ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилган. Мазкур усулни қўллаш натижасида айланма маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш имкони бўлган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Иқтисодий ривожлантириш шароитида акциядорлик компанияларининг молиявий ҳолатини баҳолашда айланма маблағларини таҳлил қилиш асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.



Айланма активлар рўйхатига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари, савдо ва бошқа дебиторлик қарзлари, товар-моддий заҳиралар ва молиявий активлар (қисқа муддатга эга) киради.

Айланма активлар ва айланма маблағлар ўртасидаги фарқ нима? Айланма активлар, айниқса, хом ашё, материаллар, ёқилғи ва бошқалар заҳиралари ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинади ва сарфланади, айланма маблағлар эса энг ликвидли ресурслар сифатида "сарфланмайди ва истеъмол қилинмайди", чунки улар ишлаб чиқаришда аванслаштирилган.

Айланма маблағлар қандай шаклланади? Корхонанинг айланма маблағларини шакллантириш устав капиталини яратиш ҳисобига бўлади. Бунда таъсисчиларнинг

инвестиция қилинган маблағлари манба ҳисобланади. Келажакда айнан шу манба ҳисобига корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи қондирилади.

Акциядорлик компанияларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича тузилган молиявий ҳолат ва даромадлар тўғрисидаги ҳисобот асосида айланма маблағларини таҳлил қилиш уларнинг ликвидлиги, тузилиши ва самарадорлигини баҳолашда, айниқса инвесторлар учун хавф ва заҳираларни аниқлашга ёрдам беради.

Таҳлил қилинганда айланма маблағларнинг таркибий тузилишидаги ўзгаришларга алоҳида аҳамият бериш лозим. Айланма маблағлар таҳлилининг мазмуни, унинг олдида қўйилган вазифаларидан келиб чиқади. Таҳлилда ашёвий ресурслар билан корхонанинг таъминланганлик даражасига, улардан самарали фойдаланишнинг ҳолатига, маҳсулот ҳажмини ўстиришда ашёларни тўғри бошқаришнинг аҳамиятига, ашёвий ресурсларни иқтисод қилиш юзасидан ички имкониятларни белгилаш ва йўлга қўйишга муҳим аҳамият берилади.

Айланма маблағлар таҳлилининг асосий мақсади – айланма капитални бошқаришда йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, айланма маблағларнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш, компаниянинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини баҳолаш, инвесторлар ва кредиторларга компаниянинг пул оқимларини яратиш қобилияти ҳақида маълумот беришдан иборат (Тожибоева, 2024).

Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича айланма маблағлар таҳлилининг асосий жиҳатлари:

1. Активларни таснифлаш: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари балансидаги айланма активларга товар-моддий заҳиралар (IAS 2), дебиторлик қарзлари, нақд пул ва уларнинг эквивалентлари ҳамда қисқа муддатли молиявий инвестициялар киради.

2. Товар-моддий заҳираларни баҳолаш (IAS 2):

а) таннарх ва соф реализация қийматининг энг кичик қийматида тан олинади;

б) рухсат берилган баҳолаш усуллари: FIFO, ўртача тортилган таннарх ва бирлик таннархи;

с). LIFO (охирги кирган биринчи чиқарилади) тақиқланган;

д) агар уларнинг нархи кейинчалик ошса, товар-моддий заҳираларни ҳисобдан чиқариш натижасида йўқотишларни қайтаришга рухсат берилади.

3. Ликвидлик таҳлили:

а) коэффицентлар: Жорий тўлов (Current Ratio) ва тез ликвидлик (Quick Ratio) каби стандарт ликвидлик коэффицентлари таҳлил қилинади, бу компаниянинг қисқа муддатли мажбуриятларни тўлаш қобилиятини акс эттиради;

б) ўз айланма капитали: Аниқланади: Хусусий капитал–Айланмадан ташқари активлар. Мазкур кўрсаткич айланма активларнинг қайси қисми ўз капитал томонидан молиялаштирилишини кўрсатади;

4. Самарадорлик таҳлили:

а) айланувчанлик: айланма маблағлар турларини (заҳиралар, дебиторлик қарзлари) айланувчанлиги таҳлили уларни қанчалик тез нақд пулга айланишини баҳолайди.

б) фойда билан боғлиқлик: сотилган товарлар таннархига заҳираларнинг таъсирини баҳолайди, шу жумладан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот бўйича молиявий натижаларга таъсирини ҳам баҳолайди.

5. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (IAS 7): Айланма активларни бошқариш билан боғлиқ пул оқимларини таҳлил қилиш учун муҳимдир ва тўғри усулни қўллаб-қувватлайди.

Айланма маблағлар тузилмасини таҳлили шуни кўрсатадики, корхонанинг молиявий барқарорлиги кўп жиҳатдан маблағларни айланиш босқичлари

жараёнларини оптимал жойлашишига боғлиқ. Ишлаб чиқариш айланма фондлари ўз таркибига ишлаб чиқариш заҳираларини, пул маблағларини олиб, улар ишлаб чиқаришнинг бир циклида фойдаланилади ва қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархига тўлиқ ўтказилади. Ишлаб чиқаришда ҳам асосий, ҳам айланма маблағларни борлиги, ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Айланма маблағлардан самарали фойдаланилса, маҳсулот таннархи камаяди, фойда кўпаяди, рентабеллик даражаси кўтарилади. Лекин корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлил қилинганда, фақат бир муаммо – айланма маблағларни айланиши билан корхоналарни молиявий ҳолати ўртасидаги алоқа таҳлил этилади, чунки айланма маблағларни айланишини ўзгариши корхоналар молиявий ҳолатига бевосита ва миқдоран таъсир кўрсатади. Ундан ташқари амалиёт шуни кўрсатадики, айланма маблағларнинг айланиши сусайган вазиятда ҳам корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ижобий ва аксинча, айланма маблағларнинг айланиши тезлашган бўлса, корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ёмонлашган бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда корхоналарни амалиёт талабига мослашишига таъсир қилувчи муҳим омиллар қаторида уларни айланма маблағлар билан таъминланганлиги, фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш усулларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Чунки, айланма маблағлар ҳаракатини таҳлил қилиш хўжалик фаолиятини ривожланишини таъминловчи муҳим тадбирлардан биридир. Корхоналарнинг айланма маблағлар билан ўз вақтида, зарурий миқдорда, белгиланган сифатда ҳамда бир маромда таъминланганлиги, улардан рационал фойдаланиш пировардида унинг иқтисодий ривожланишига ва тараққий этиши учун ҳар томонлама таъсир этади. Таҳлил жараёнида дастлаб айланма маблағлар ҳолатига баҳо бериш лозим ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал.

Акциядорлик компанияси айланма маблағлари ҳолати таҳлили

<u>Кўрсаткичлар</u>	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2024 йил 2020 йилга нисбатан фарқи
Айланма маблағлар, жумладан	175133759,00	94172749,00	190252993,00	166424802,00	181 728 57,90	+6595098,9
Товар-моддий заҳиралар	42523138,00	23502561,00	112024988,00	47825055,00	39 599 343,36	-2923794,64
Дебиторлар	51936763,00	64921044,00	75057686,00	114736584,00	136 442933,25	+94076205,36
Пул маблағлари	26579084,00	252926,00	1505831,00	2357976,00	3 804 709,13	-22774374,87
Қисқа муддатли инвестициялар	521833,00	788000,00	1438000,00	1438000,00	882 000,00	+360167,00

Манба: Акциядорлик компанияси молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, акциядорлик компанияси айланма маблағлари 2020 йили 175133759.00 минг сўмни, 2024 йил эса 181728857,90 минг сўмдан иборат бўлган ҳолда 6595098.9 минг сўмга ошди. Йиллар кесимида эса

компанияда товар-моддий захиралар қийматини пасайганлигини кўриш мумкин. Жумладан 2020 йили товар-моддий захиралар қиймати 42523138.00 минг сўмдан иборат бўлган бўлса, 2024 йили 39599343,36 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, 2923794,64 минг сўмга камайган. Таҳлил йилларида компанияда дебиторлик қарзлари қиймати ошган бўлиб, 2024 йили 2020 йилга нисбатан 94076205,36 минг сўмга кўпайган. Акциядорлик компаниясида пул маблағлари 2020 йили 26579084.00 минг сўм, 2024 йили эса 3804709,13 минг сўмдан иборат бўлган ҳолда, 22774374,87 минг сўмга камайган. Қисқа муддатли инвестициялар ҳажми эса динамик тарзда кўтарилиш тенденциясига эга бўлиб, 2024 йилда 882000,00 минг сўмдан иборат бўлган ҳолда 360167,00 минг сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, компанияда таҳлил йилларида товар-моддий захиралар ва пул маблағлари ҳажми камайган бўлса, дебиторлик қарзлари ва қисқа муддатли инвестициялар ҳажми ошган.

Ўз айланма маблағлари, аналитик кўрсаткич сифатида, молиявий таҳлилнинг куйидаги соҳаларида қўлланилади: ликвидликни таҳлил қилиш; бизнес фаолиятини таҳлил қилиш; тўловга қодирликни таҳлил қилиш; жорий молиявий барқарорликни таҳлил қилиш. "Ўз айланма маблағлари" (own circulating assets) атамаси билан бир қаторда куйидаги атамалар ҳам қўлланилади: соф айланма активлар (pure turnaround actives), ўз айланма капитали (own working capital), ишчи капитали (working capital). Мазкур атамаларнинг ҳаммаси асосан битта иқтисодий мазмунни, яъни корхонанинг жорий фаолиятини таъминлаш ва молиялаштиришга сарфланадиган ресурсларни тавсифлайди.

Ўз айланма маблағлари (ЎАМ) (соф айланма активлар) - бу ўз ва унга тенглаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобига молиялаштирилиши керак бўлган жорий активларнинг қисми ҳисобланади. Ўз айланма капитали (ЎАК) - бу ўз айланма маблағларини молиялаштириш учун керак бўлган узоқ муддатли молиялаштириш манбаларининг қисмидир. Маълумки, активлар - бу даромад ва фойда олиш учун мўлжалланган ресурслардир. Корхоналарда ўрнатилган бизнес моделига кўра, жорий фаолият асосан жорий мажбуриятлар орқали молиялаштирилиши керак. Шунинг учун, молиялаштириш манбалари нуқтаи назаридан барча айланма активларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: жорий мажбуриятлар ҳисобидан молиялаштириладиган айланма маблағлар ва ўз ва унга тенглаштирилган манбалардан молиялаштириладиган айланма маблағлар, яъни ўз айланма маблағлари. Шу сабабли, ўз айланма маблағлари ҳисобига молиялаштирадиган манбаларни ўз айланма маблағлари ёки ишчи капитали деб аталади[11].

Акциядорлик компанияларида айланма маблағлар таҳлил қилинганда баланс бўйича ўз айланма маблағларининг мавжуд суммаси аниқланади ва улар билан қай даражада таъминланганлигига баҳо берилади. Ҳисоб-китобларга кўра ўз айланма маблағлари моддий қийматликлардаги айланма маблағларидан ортиқ бўлса ҳам амалда уларни етишмаслик ҳоллари кўп корхоналарда учрайди. Масалан, ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот қолдиқларини меъёрдан ортиб кетиши, муддати ўтган дебиторлик қарзларини ортиши айланма маблағларини мавжуд суммасини камайишига олиб келади. Энди таҳлил учун 2-жадвални ҳавола қиламиз.

2-жадвал маълумотларидан кўринишича, акциядорлик компанияси ўз айланма маблағлари 2020 йилда 13687956 минг сўмни, 2021 йилда 63324847 минг сўмни, 2022 йили 111076385 минг сўмни, 2023 йилда 99408875 минг сўмни ва 2024 йилда 70688689,49 минг сўмдан иборат бўлган ҳолда, 2020 йилга нисбатан 57000733.49 минг сўмга кўпайган. Мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатлар бўйича ўз айланма маблағлар билан таъминланиш коэффициентининг меъёри 0,2 дан юқори бўлиши тавсия қилинган. Акциядорлик компаниясида мазкур коэффициентни йиллар кесимида қараб чиқсак кўтарилиш-пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, 2020 йилдаги 0,08 коэффицентдан 2021 йилга келиб 0,7 коэффицентни ташкил қилган ҳолда меъёрдан 0,5 бандга юқори бўлган.

2-жадвал.

Акциядорлик компанияси ўз айланма маблағлар билан таъминланганлиги таҳлили

Кўрсаткичлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2024 йил 2020 йилга нисбатан фарқи (+,-)
1.Ўз маблағлари манбалари	104511900,00	62946534,00	122702582,00	153718006,00	161 341 589,92	+7623583,92
2.Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	52000000,00	150000000,00	150000000,00	100000000,00	62940713,50	+10940713,5
3.Узоқ муддатли активлар	142823944,00	149621687,00	161626197,00	154309131,00	153593613,93	+10769669,93
4.Ўз айланма маблағларини мавжуд суммаси (1+2-3)	13687956	63324847	111076385	99408875	70688689,49	+57000733,49
5.Жорий активлар	175133759,00	94172749,00	190252993,00	166424802,00	181 728 857,90	+15304055,9
6. Ўз айланма маблағлар билан таъминланиш коэффиценти (4 қ :5қ)	0,08	0,7	0,6	0,6	0,4	+0,32

Манба: Акциядорлик компанияси молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

2022 ва 2023 йиллардан ҳам компанияда ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффиценти 0,6 бандни ташкил қилган. 2024 йилга келиб эса мазкур коэффицентнинг меъёри 0,4 бандни ташкил қилган. Демак, компанияда ўзига тегишли айланма маблағлар 40 фоизни ташкил қилади. Бу минимал меъёрдан юқори ҳисобланади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таҳлил объектида ўз айланма маблағлар билан таъминланиш коэффиценти 2020 йилдан ташқари қолган йилларда меъёрдан юқори бўлган. Компания молиявий-хўжалик фаолиятида узоқ муддатли кредит ва қарзлардан фойдаланганлиги сабабали мазкур коэффицент ижобий натижада бўлган.

Корхоналарни ўз айланма маблағлари билан таъминланиш таҳлилида соф айланма активларни ҳам аниқлаш муҳим ҳисобланади. Хорижий мамлакатларда соф айланма активларни «Ишчи капитали» деб аталади. Жорий ликвидлик коэффицентининг даражаси кўп жиҳатдан заҳираларни ташкил этиш манбалари, узоқ муддатли мажбурият ва корхонанинг ўз капиталига боғлиқ. Унинг даражасини ошириш учун ўз капиталини манбалар билан тўлдириш, активлар ва дебиторлик қарзлар ўсишини турғун ҳолда сақлашдан иборат. Мазкур кўрсаткичдан корхона активи ликвидлигини баҳолаш ва узоқ муддатли истиқболда тўловга қодирлигини аниқлашда фойдаланиш тавсия қилинган. Айланма активларини қисқа муддатли мажбуриятлардан икки маротаба ортиқ бўлиши корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий ҳолатини барқарор ўсиши учун замин яратади. Бунинг натижасида «Ишчи капитали» ёки «Соф айланма активи» шаклланади. Ишчи капитали ликвид резервлари ҳисобланиб, қутилмаган ҳолларда вужудга келадиган пул тушумлари ва қарз мажбуриятлари ўртасидаги узилишлар туфайли вужудга келадиган ҳаражатларни қоплашга сарфланади. Ишчи капитали соф активнинг бир қисми, банк-кредиторлар учун банк

кредитини корхона қайтара олмаган ҳолларда ундан гаров сифатида фойдаланадилар. Таҳлил учун қуйидаги 3-жадвални тузамиз.

3-жадвал натижасига кўра акциядорлик компанияси айланма активларини қисқа муддатли мажбуриятлардан ортиқчилиги 2020 йилда 13687956 минг сўмни, 2024 йилда эса 70688689,49 минг сўмдан иборат бўлган ҳолда, 57000733,49 минг сўмни ташкил қилган. Қолган йилларда ҳам компанияда ликвид активлар етарли даражада бўлган. Ишчи капиталининг мутлоқ суммада динамик тарзида ўзгариши ликвидлик даражани ҳам ўзгаришига олиб келади. Бу кўрсаткич қисқа муддатли мажбуриятларни қопланишидан сўнг ҳосил бўлган ортиқча миқдори ифодалади. Демак, бу кўрсаткични ўсиши корхона ликвидлигини барқарорлигини ифодалади. Таҳлил объектида ишчи капиталининг ўсиш тенденциясини кўришимиз мумкин.

3-жадвал.

Акциядорлик компанияси ишчи капиталининг динамик таҳлили

Кўрсаткичлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2024 йил 2020 йилга нисбатан фарқи (+,-)
1.Айланма активлар	175133759,00	94172749,00	190252993,00	166424802,00	181 728 857,90	+15304055,9
2.Қисқа муддатли мажбуриятлар	161445803,00	30847902,00	79176608,00	67015927,00	111 040 168,41	+44024241,41
3.Ишчи капитали (1қ-2қ)	13687956	63324847	111076385	99408875	70688689,49	+57000733,49

Манба: Акциядорлик компанияси молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

Акциядорлик компанияси айланма маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлилиги ва рентабеллилиги билан, яъни айланма маблағларнинг бир сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади. Айланма маблағларни айланувчанлиги деганда, уларнинг пулга айланиш тезлиги тушунилади. Айланувчанлик корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, у асосда бизнесни бошқаришда ресурслар чекланганлиги ва улардан унумли фойдаланиш даражаси таҳлил қилинади ва унинг муҳим йўналишлари белгиланади. Халқаро амалиёт тажрибаси асосида таҳлил ўтказишда айланма маблағларни айланишини ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни аниқлаш тавсия қилинган:

1.Айланма маблағларни айланиш коэффиценти = Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум/Айланма маблағлар ўртача йиллик қиймати. Ушбу коэффицент айланма маблағларни бир йилда неча марта айланишини билдиради.

2.Айланма маблағларни айланиш куни = Айланма маблағлар ўртача йиллик қиймати х Ҳисобот даври куни (365) /Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум. Айланиш куни, айланма маблағларни бир марта айланиб чиқиш учун неча кун кетганини ифодалади.

Айланма маблағларни айланишини бир ойлигини, бир кварталлигини, ярим йиллигини, бир йиллигини аниқлаш ва таҳлил қилиш мумкин. Айланма маблағларни айланишини тезлашиши айланма маблағларни ишлаб чиқаришдан бир қисмини озод қилинишига, айланма маблағларни секинлашуви эса ишлаб чиқаришга айланма маблағларни қўшимча жалб қилинишига олиб келади. Айланма маблағларни айланишини тезлашуви натижасида қанча айланма маблағларни ишлаб чиқаришдан

озод қилинганлигини ёки айланма маблағларни айланишини секинлашуви натижасида қанча айланма маблағларни қўшимча ишлаб чиқаришга жалб этилишини аниқлаш учун айланма маблағларни айланишини тезлашган ёки секинлашган кунини бир кунлик оборот суммасига кўпайтириш керак. Уларнинг таҳлилини 4-жадвалда кўриб чиқамиз.

4-жадвал.

Акциядорлик компанияси айланма маблағларини айланиш кўрсаткичларини динамик таҳлили

Кўрсаткичлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2024 йилда 2020 йилга нисбатан фарқи (+,-)
1.Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум	7247879 7,00	57129134, 00	3165643 81,00	40213207 2,00	218 718 590,02	+146239793,02
2.Айланма маблағларни ўртача йиллик қиймати	2186772 61,00	13461462 8,00	1422128 71,00	17833889 7,5	174076829,9 5	-44600431,05
3.Ҳисобот давридаги кун	365	365	365	365	365	-
4.Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти (1:3).	0,331	0,424	2,226	2,255	1,256	+0,925
5.Айланма маблағларни айланиш кунини (2x365:1).	1101,25	860,05	163,97	161,87	290,50	-810,75

Манба: Акциядорлик компанияси молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

4-жадвал маълумотлари бўйича, акциядорлик компаниясида айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати йиллар кесимида кўрадиган бўлсак 2024 йилда 2020 йилга нисбатан 44600431,05 минг сўмга камайган. Айланма маблағларни айланиш коэффициенти 2020 йилда 0,333 бандни ташкил қилган ҳолда 2024 йилга нисбатан 0,925 мартага кўпайган. Бу ҳолат айланма маблағлар ўртача қийматини камайганлиги билан изоҳланади.

Компанияда айланма маблағларни айланиш кунини таҳлил йилларида ўсиш ва пасайиш тенденциясини кўришимиз мумкин. 2020 йилда айланма маблағларни айланиш кунини 1101,25 кунни ташкил қилган бўлса ($1101,25 \times 0,331 = 365$), 2024 йилда 290,50 ($290,50 \times 1,256 = 365$) кундан иборат бўлган ҳолда, 810,75 кунга камайган. Бу айланма маблағларни айланиш кунини тезлашганлигини кўрсатади. Мазкур ҳолатга компанияда соф тушум ҳажмини ошириш ва айланма маблағларни ўртача йиллик қийматини камайганлиги сабаб бўлади. Компанияда айланма маблағлар айланиш кунини тезлашганини ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин. Бу эса компанияда айланма маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича керакли амалий тадбирлар ишлаб чиқилганлигини кўрсатиб турибди.

Иқтисодий адабиётда: "Айланма маблағларни айланувчанлик кўрсаткичларини таҳлил қилишда бевосита уларнинг айланишига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларини ҳам аниқлаш кераклиги" тавсия қилинган [8,10,11,14,15]. Бунинг учун эса омилли таҳлил билан бирга иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиш керак бўлади.

Хўжалик субъектлари фаолиятини эконометрик моделлаштириш замон ва маконда уларнинг ривожланиш жараёнини ўрганишда асосий ўрин эгаллайди. Бу моделлар ишлаб чиқариш тенденциялари ва қонуниятларини аниқлаш учун мослашгандир. Эконометрик моделлаштиришни қўллаш самарадорлигининг асосий шартларидан бири унинг реал жараёнга мос келиши ҳисобланади.

Акциядорлик компаниясининг айланма маблағларини айланишига таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китоби 4-жадвалда берилган. Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, уни эконометрик таҳлил қилишда кўп омилли таҳлилдан, яъни корреляция усулидан фойдаланиш мумкин. Бунда натижавий омил сифатида (У) айланма маблағларни айланиш куни ва унга таъсир қилувчи омиллар танлаб олинди. Ушбу омиллар: x_1 – соф тушум, x_2 – айланма маблағларни ўртача йиллик қиймати сифатида белгиланди (5-жадвал). Корреляция усулини қўллаш асосида айланма маблағларни айланиш кунини ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ўзгаришини бир-бири билан боғланганлигини ҳисоблаш мумкин. Бунда корреляция коэффициенти 0 га тенг бўлса, у ҳолда ўрганиладиган кўрсаткичларда ҳеч қандай боғлиқлик йўқлигини кўрсатади. Агар корреляция коэффициенти 1 га тенг бўлса, у ҳолда ўрганиладиган кўрсаткичларда боғлиқлик юқори даражада тўлиқ бўлади, яъни функционал бўлади. Корреляция коэффициенти 0,1дан 0,3 гача бўлса паст, 0,3 дан 0,5 гача бўлса ўртача, 0,5 дан 0,7 гача бўлса сезиларли, 0,7 дан 0,9 гача бўлса юқори ва 0,9 дан 1 гача бўлса жуда юқори, яъни тўлиқ функционал ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ҳажми ва айланма маблағларни қиймати ўртасидаги боғланишни кўришимиз мумкин (5-жадвал).

5 – жадвал.

Акциядорлик компанияси айланма маблағларини айланишига таъсир қилувчи омилларни корреляция усулида ҳисоблаш

Йиллар	Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум, (минг сўм) X_1	Айланма маблағлар ўртача қиймати (минг сўм) X_2	X_1 қаторнинг квадрати X^2	X_2 қаторнинг квадрати X^2	Омилларни кўпайтмаси $X_1 \cdot X_2$
2019 йил	27688	26222	76662	68759	72603
2020 йил	72479	21868	52632	47821	15850
2021 йил	57129	13461	32637	18120	76901
2022 йил	31656	14221	10021	20224	45018
2023 йил	40213	17834	16171	31805	71716
2024 йил	21872	17408	47838	30304	38075
Сумма	251037	111014	235961	217033	320163

Манба: Акциядорлик компанияси молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ва айланма маблағлар ўртача қиймати ўртасидаги корреляция коэффициентини қуйидаги формула орқали ифода этиш мумкин:

$$R_{xy} = \frac{\sum X_1 \times X_2}{\sqrt{\sum X_1^2 \times \sum X_2^2}}$$

Мазкур формуланинг ҳисоб-китоби: $320163/(235961 \times 217033) = 320163/226299 = 1$.

Корреляция коэффиценти 1 га тенг бўлса ўрганиладиган кўрсаткичларда боғлиқлик юқори даражада функционал бўлади. Ҳисоб-китоб натижалари бўйича корреляция коэффиценти 1 бандни ташкил қилди. Демак, маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум, айланма маблағлар ва айланма маблағларни айланиш куни ўртасидаги боғлиқлик юқори даражада функционал ҳисобланади. Компанияда таҳлил йилларида маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушумнинг 100 фоизи айланма маблағлар ҳажмига боғлиқ ҳисобланади. Демак, ҳар бир омил кўрсаткичлари бўйича режа тўлиқ бажарилган.

Энди корреляцион таҳлил натижаларини амалиётда қўллаш методикасини кўриб чиқамиз. Барча параметрлар бўйича текширилган корреляция тенгламасинидан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

- хўжалик фаолияти натижаларини баҳолаш учун;
- омилларни натижавий кўрсаткичларни оширига таъсирини ҳисоблашда;
- ўрганилаётган кўрсаткичлар даражасини оширишда захираларни ҳисоблашда;
- унинг миқдорини режалаш ва тахмин қилишда.

Таҳлил жараёнида пул маблағлари циклини ҳам баҳолаш керак бўлади. Пул маблағлари цикли айланма маблағларни бошқариш элементи ҳисобланади. Бу кўрсаткич захираларни айланиши, дебиторлик қарзлари айланиш даври ва кредиторлик қарзлари айланиш даврини бир –бири билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Хорий давлатларда молиявий таҳлил амалиётида пул маблағлари цикли қуйидача аниқланади: Захираларни айланиш даври + Дебиторлик қарзларини айланиш даври - кредиторлик қарзларини айланиш даври. Мамлакатимизда пул маблағлари циклини операцион ва молиявий циклга бўлинган ҳолда аниқланади. Хусусан, операцион цикл қуйидагича аниқланади: Захираларни айланиш даври + Дебиторлик қарзларини айланиш даври. Молиявий цикл эса қуйидагича аниқланади: Операцион цикл - Кредиторлик қарзларини айланиш даври. Энди пул маблағлари циклини аниқлаш учун қуйидаги ҳисоб-китобни амалга оширамиз (6-жадвал).

6-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, акциядорлик компаниясида захираларни айланиш кунини 2020-2024 йиллар давомида пасайиш тенденциясини кўришимиз мумкин. Компанияда захираларни айланиш даври 2024 йилда 2020 йилга нисбатан 224,71 кунга тезлашган. Захираларни айланиш куни динамикасини кўрадиган бўлсак, 2020 йилдаги 304,74 кундан 2024 йилга келиб 80,03 кунга пасайганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолатга бевосита таннархни ошиши ва захираларни ўртача йиллик қийматини камайганлиги таъсир кўрсатган. Захираларни айланиш кунини ошгани захираларни кўп вақт сақланаётганлигини, талабни йўқлигини, назоратни пастлигини кўрсатади. Бошқа томондан захираларни айланиш кунини ошиши:

- савдо чегирмаларидан фойдаланиб кўп ҳажмда захираларни сотиб олиш;
- захиралар дефицитини камайтириш ёки кутилаётган катта ҳажмдаги буюртмани ошиши билан белгиланиши мумкин.

Юқори айланиш компания сотишга қараганда захиралар даражаси пастлигини кўрсатади. Захираларни сақлашга харажатлар камайганини билдиради. Лекин унга тез-тез етказиб бериш керак бўлади Вақт бўйича қатъий етказиб бериш тизими шундай стратегияни кўрсатади. Паст айланиш эса компания сотиш даражасига қараганда захиралар даражасини юқорилигини кўрсатади.

Дебиторлик қарзларининг айланиш куни 2020 йилда 330,35 кунни ташкил қилган бўлса, 2024 йилда 209,58 кундан иборат бўлган ҳолда 120,77 кунга тезлашган. Бу ўзгариш дебиторлик қарзлари ҳажмини ошиши билан изоҳланади. Компанияда кредиторлик мажбуриятларини айланиш куни ҳам таҳлил йилларида камайганлигини

кўришимиз мумкин. Жумладан айланиш даври 2020 йили 871,38 кун, 2021 йили эса 537,13 кунни ташкил қилган.

6-жадвал

Акциядорлик компанияси пул маблағлари циклини таҳлили

Кўрсаткичлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2024 йилда 2022 йилга нисбатан фарқи (+,-)
1.Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум	72478797,00	57129134,00	316564381,00	402132072,00	218 718 590,02	+146239793,02
2.Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари	74633096,00	58602385,00	281036379,00	378269210,00	199 374 577,08	+1247414841,08
3.Заҳираларни ўртача йиллик қиймати	62312065,5	33012804,00	67763774,5	79925021,5	43713699,18	-18598366,32
4.Дебиторлик қарзларининг ўртача йиллик қиймати	65597633,00	58497943,00	69989365,00	94897135,00	125589758,625	+5999225,625
5.Кредиторлик мажбуриятларининг ўртача йиллик қиймати	178174666,5	86239235,00	23221902,00	42901034,00	41662442,95	-136512223,55
6. Заҳираларни айланиш куни (3x365:2).	304,74	205,62	88,01	77,12	80,03	-224,71
7.Дебиторлик қарзларининг айланиш куни (4x365:1).	330,35	373,74	80,70	86,13	209,58	-120,77
8.Кредиторлик мажбуриятларининг айланиш куни(5x365:2).	871,38	537,13	30,16	41,40	76,27	-795,11
9.Пул маблағлари цикли (6+7-8)	236,29	42,23	138,55	121,85	213,34	-22,95

Манба: Акциядорлик компанияси молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

2022 йили эса кредиторлик мажбуриятларини айланиш куни сезиларли даражада камайган бўлиб, 30,16 кундан, 2023 йили эса 41,40 кундан иборат ҳисобланади. Бу ўзгаришга компанияда кредиторлик мажбуриятлари ҳажмини камайганлиги таъсир кўрсатган. 2024 йилга келиб эса компанияда кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даври 76,27 кундан иборат бўлиб, 2020 йилга нисбатан 795,11 кунга тезлашган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади. Акциядорлик компаниясида пул маблағлари цикли, яъни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган материалларни сотиб олиш ва уларни пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларига айланиш даври таҳлил йилларида пасайиш-кўтарилиш тенденциясидан иборат бўлган. Хусусан, пул маблағлари цикли 2020 йилги 236,29 кундан 2021 йилга келиб 42,23 кунга камайган. 2022 кунга келиб эса пул маблағлари цикли 138,55 кун, 2023 йилда эса 121,85 кундан иборат бўлган. Компанияда 2024 йилга келиб пул маблағлари цикли 213,34 кунни ташкил қилган

ҳолда, 2022 йилга нисбатан 22,95 кунга қисқарган бўлса, 2023 йилга нисбатан эса 91,49 кунга (213,34-121,85) ошганлигини кўришимиз мумкин.

Таҳлил жараёнида пул маблағлари циклининг ўзгариши ва мазкур ўзгаришни юзага келтирган асосий омиллар аниқ ҳисоб-китоб қилинади. Бу билан натижавий кўрсаткичнинг ўзгаришига қандай омиллар таъсир қилди ҳамда уларнинг ҳар бирини таъсир миқдори қанчани ташкил этди, деган саволга ойдинлик киритилади. Ушбу турдаги масалаларни ҳал қилиш учун омилли таҳлил усули - занжирли боғланиш усулидан фойдаланилади. Таъкидлаш керакки, занжирли боғланиш усулида таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар ўзаро қатъий функционал боғлиқликда бўлиши талаб этилади. Яъни, бир ёки бир неча кўрсаткич таъсирида натижавий кўрсаткич юзага чиқиши керак. Бу усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат: яъни ҳисоб формуласи таркибига кирган ўтган йил доирасидаги айрим олинган миқдорий кўрсаткичларини айнан шу кўрсаткичларнинг ҳисобот йилидаги даражасига кетма-кет алмаштирилади. Шу усулда ҳар бир омил босқичма-босқич алмаштирилиб, уларнинг якуний натижага таъсирлари алоҳида-алоҳида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисобланган таъсир миқдорлари ўзаро қўшиб ёки айрилганда (бу ҳолат вазиятга кўра амалга оширилади) якуний натижани ўзгариш миқдорига тенг бўлади.

Акциядорлик компаниясида пул маблағлари циклига таъсир қилувчи омилларни (6-жадвал маълумотлари асосида) занжирли боғланиш усулидан фойдаланиган ҳолда кўриб чиқамиз. Омиллар баланси: $224,71+120,77+(-368,43) = -22,95$ кун.

7-жадвал

Пул маблағлари цикли таъсир қилувчи омилларни занжирли боғланиш усулида ҳисоб-китоби

Тартиб сони		Таъсир этувчи омиллар				Натижавий кўрсаткичнинг ўзгариши	
Ҳисоблашишлар	Алмаштиришлар	Заҳираларни айланиш кунни	Дебиторлик қарзларнинг айланиш кунни	Кредиторлик мажбуриятларининг айланиш кунни	Натижавий кўрсаткич – пул маблағлари цикли (1у+2у-3у)	Алоҳида олинган омиллар таъсирида	Ўзгаришлар ҳисоби
А	В	1	2	3	4	5	6
1	-	304,74	330,35	871,38	236,29	-	-
2	1	80,03	330,35	871,38	461	+	+224,71
3	2	80,03	209,58	871,38	581,77	+	+120,77
4	3	80,03	209,58	76,27	213,34	+	-368,43

Манба: Акциядорлик компанияси молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

7-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, акциядорлик компаниясида заҳираларни айланиш кунини 2022224,71 кунга тезлашиши уларни пул маблағлари циклини шу кунга қисқаришига олиб келган ва ижобий таъсир кўрсатган. Дебиторлик қарзларни айланиш кунини ҳам 120,77 кунга тезлашиши пул маблағлари циклини қисқаришига олиб келган. Демак компанияда операцион цикл тезлашган бўлиб, хом ашё ва материаллар сотиб олиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг тўловини олиш даври қисқарган. Ациядорлик компаниясида кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даври 795,11 кунга тезлашган. Бунинг натижасида молиявий цикл 368,43

кунга қисқарган. Хулоса қилиб айтганда, пул маблағлари циклга таъсир қилувчи омилларнинг таъсири ижобий бўлган. Бу эса ўз навбатида компанияда пул маблағларини етишмаслик ҳолатларини олдини олиш, қисқа муддатли тўлов лаёқатини яхшилаш имконини беради.

Амалий фаолиятда чакана бизнес корхоналарида пул маблағлари цикли қисқа бўлади. Чунки уларда сотув нақд тўловда бўлади. Йирик ишлаб чиқариш корхоналарида эса кўпроқ нақд пулсиз шаклда ишлагани учун пул маблағлари цикли узунроқ бўлади. Бу эса корхонани айланма маблағларга қарамлигини оширади. Пул маблағлари цикли бизнес учун пул маблағлари ресурсларини етарлилигини кафолатини беришда муҳим ҳисобланади. Бунга пул маблағларини етарлилик даражасига қуйидагиларга кафолат беришда киритилади:

- қисқа муддатли мажбуриятларни узиш муддатига;
- барча молиявий мажбуриятларни тўлашга масалан қарзларни узиш ва молиявий харажатларни тўлаш;
- иш ҳақи бўйича хафталик ва ойлик харажатларни ёпиш;
- инвестиция мажбуриятларини бажариш;
- солиқ мажбуриятларини бажариш.

Пул маблағлари цикли пул маблағларини зудлик билан олиш мумкин бўлмай қолган ҳолларда кунлар ҳажмини аниқлашда қўлланилади.

Хулоса ва таклифлар.

Иқтисодий ривожлантириш шароитида корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда айланма маблағлардан самарали фойдаланишга баҳо бериш уларни иқтисодий салоҳияти таҳлилининг асосий босқичларидан бири бўлиб, у ҳамма вақт корхона раҳбари, таҳлилчилар ва аудиторларнинг эътибор марказида бўлиши лозим. Шуларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда кейинги пайтларда халқаро амалиёт асосида молиявий таҳлилни ривожлантириш бўйича керакли тадбирлар амалга оширилмоқда [3,4]. Мазкур илмий мақолада акциядорлик компанияси айланма маблағларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар тадқиқ қилинган ҳамда амалий тавсиялар берилган. Компанияларни молиявий ҳолати таҳлилида уларни айланма маблағларини қоплашга ўз маблағлари етарли ёки етишмаслиги ўрганиш муҳим масала ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич айниқса корхонанинг молиявий мустақиллиги, барқарорлиги, кредит олишга лаёқатлилигини аниқлашда аҳамиятли ҳисобланади. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, акциядорлик компанияси ўз айланма маблағларининг мавжуд суммаси билан таҳлил йилларида етарли даражада таъминланган. Шу боисдан ҳам компанияда ўз айланма маблағлар билан таъминланиш коэффиенти таҳлил йилларида меъёр доирасида бўлган. Компания молиявий-хўжалик фаолиятида узоқ муддатли кредит ва қарзлардан фойдаланганлиги сабабли мазкур коэффицент ижобий натижада бўлган. Бу эса ўз навбатида унинг иқтисодий салоҳияти даражасини ошишига сабаб бўлади. Шу билан бирга мақолада ишчи капиталининг динамик таҳлили ҳам тадқиқ қилинган. Жумладан, акциядорлик компаниясида мазкур кўрсаткични 57000733,49 минг сўмга ошганлигини кўришишимиз. Бу ҳолат компанияни ликвидлик даражасини ошишига олиб келади.

Айланма маблағлар корхонанинг молиявий ҳолатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Унинг ҳолатига қараб жами маблағлар таркибидан келиб чиққан ҳолда корхонанинг иқтисодий қарамлиги ёки мустақиллигига баҳо берилади. Шу боисдан акциядорлик компанияси айланма маблағларининг айланиш коэффицентлари таҳлил қилиниб, айланиш даврини ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш бўйича амалий тавсиялар берилди, маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ва айланма маблағлар қиймати ўртасидаги боғлиқлик корреляция

узулида ҳисобланди. Шу билан бирга акциядорлик компаниясида пул маблағлари циклини омилли таҳлил қилиш узули ҳам тавсия қилинди. Демак, корхона айланма маблағлардан самарали фойдаланишни баҳолаш натижасида уларни мақсадли бошқаришни йўлга қўйиш, пул ва ликвид маблағларни айланувчанлигини тезлаштириш ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича амалий тадбирларни белгилаш имкони бўлади. Зеро, иқтисодий салоҳиятни айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари таҳлили корхонанинг молиявий мустақиллиги, барқарорлиги, кредит олишга лаёқатлилигини аниқлашда аҳамиятли ҳисобланади.

Ўтказилган таҳлил натижалари бўйича компаниянинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини оширишда айланма маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича имкониятлар миқдори аниқланди, қуйидаги керакли амалий тавсиялар берилди: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш; маҳсулотни етказиб бериш ва харид қилиш шартномаларини ўз вақтида, тўғри тузиш; ҳисоб-китоб тўлов ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш; маҳсулот етказиб берувчилар ва харидор корхоналарининг молиявий аҳволини ўрганиш; корхонанинг молиявий аҳволини ўз вақтида таҳлил қилиш. Мазкур тавсияларни компаниянинг амалий фаолиятида қўлланиши молиявий ҳолатига аниқ ташхис қўйиш, самарадорликни ошириш, иқтисодий салоҳиятини кўтариш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар /Литература/References:

Kirichok, O. and Poznakhovskiy, V. (2017) 'Analysis of working capital enterprises in the automotive industry in modern economic conditions', *IJONESS*, 5(1), pp. 142–157. Available at: <https://doi.org/10.5604/01.3001.0010.4261>

Tkachenko, V.V., Tkachenko, I.V. and Puzyrova, P. (2020) *Financial potential: strategic management in conditions of economic risk*. Kyiv: Foliant. Available at: <https://er.knutd.edu.ua/handle/123456789/16044>

Tojiboeva, Sh. (2025) 'Evaluation of the state of working assets in the analysis of economic potential', *American Journal of Management Practice*, 2(2). Available at: <https://semantjournals.org/index.php/AJMP>

Usmonov, B., Tojiboeva, S., Tashbaev, B. and Omanov, S. (2023) 'Evaluation of capital efficiency of companies in the analysis of financial potential', in Popkova, E.G. and Sergi, B.S. (eds.) *ESG Management of the Development of the Green Economy in Central Asia*. Springer Nature Switzerland AG. Available at: https://doi.org/10.1007/978-3-031-46525-3_48

Бусуёк, Н.А. и Новрузова, Г.А. (2022) 'Источники формирования оборотных активов. Основные виды и принципы политики управления оборотным капиталом', *Молодой ученый*, 47(442), сс. 83–87. Available at: <https://moluch.ru/archive/442/96604/>

Васильева, Н.К. и Мороз, Н.Ю. (2021) 'Собственные оборотные средства как источник формирования активов предприятия', *Вестник академии знаний*, 2, с. 343.

Ефимова, О.В. (2023) *Финансовый анализ: современный инструментарий для принятия экономических решений*. Москва: КноРус.

Рахимов, М.Ю. (2020) *Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили*. Тошкент: Иқтисод-Молия.

Тожибоева, Ш.А. (2022) *Молиявий таҳлил-2*. Тошкент: Инновацион ривожланиш.

Тожибоева, Ш.А. (2024) *Молиявий-иқтисодий маълумотларнинг таҳлили*. Тошкент: Инновацион ривожланиш.

Талипова, Н.Т. (2021) 'Цифровая экономика в будущем информационном пространстве', in *Современные проблемы, тенденции и перспективы социально-экономического развития: сборник статей X Международной научно-практической конференции Института экономики и управления СурГУ*. Сургут, сс. 166–169.

Шоалимов, А.Х., Илхамов, Ш.И. и Тожибоева, Ш.А. (2017) Иқтисодий таҳлил ва аудит. Тошкент: Сано-стандарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (2018) “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1013-сон қарори. 14 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (2020) “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775-сон қарори. 9 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2020) “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори. 24 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2025) “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-282-сон қарори. 15 сентябрь.